


Бомдод намозига кеча ва кундуз фаришталари гувоҳ бўладилар



19:00 / 26 июнь 465

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

تَجِدُ لَأَثَمَ الْمَمَاتِ وَضِعْفَ الْحَيَوةِ ضِعْفَ لَأَذَقْنَاكَ إِذَا

نَصِيرًا عَلَيْنَا لَكَ ﴿٧٥﴾

«Шундай бўлган тақдирда сенга ҳаёт (азобини) ҳам икки ҳисса, мамот (азобини) ҳам икки ҳисса тоттирган бўлардик. Сўнгра ўзинг учун Бизга қарши ёрдамчи топа олмас эдинг» (Исро сураси, 75-оят).

Яъни «Уларга бир оз бўлса-да, мойиллик билдирсанг, Биз сенга бу дунёда берадиган азобни ҳам, у дунёда берадиган азобни ҳам икки баробар қилиб берар эдик. Сенга ёрдам берувчи ҳам бўлмас эди».

مِنْهَا لِيُخْرِجُوكَ الْأَرْضِ مِنْ لَيْسَتَفِرُّونَكَ كَادُوا وَإِنْ

قَلِيلًا إِلَّا خَلْفَكَ يَبْثُونَ لَا وَإِذَا



«Улар сени бу ерда безовта қилиб, ундан сени чиқариб юборишларига оз қолди. Шундай бўлган тақдирда ҳам, сендан кейин улар озгина турадилар, холос» (Исро сураси, 76-оят).

Яъни Макка мушриклари сени безовта қилиб, у ердан чиқариб юборишларига оз қолди. Дарҳақиқат, улар Дорун Надвада ва бошқа жойларда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши қилган маслаҳатларида у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккадан чиқариб юбориш масаласини ҳам ўртага қўйган эдилар. Аммо бу борада келиша олмай, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккадан ҳайдаб чиқара олмаган эдилар.

«Шундай бўлган тақдирда ҳам, сендан кейин улар озгина турадилар, холос».

Бу қилмишлари учун Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилган бўларди. Аллоҳ уларни ҳалок қилишни истамагани учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккадан чиқаришларига йўл қўймади. Балки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига чиқиб кетишни амр қилди.

لِسُنَّتِنَا تَجِدُ وَلَا تُرْسِلِنَا مِنْ قَبْلِكَ أَرْسَلْنَا قَدْ مِنْ سُنَّةِ



«Бу сендан олдин юборган расулларимизнинг суннатидир. Бизнинг суннатимизга ўзгартириш топа олмайсан» (Исро сураси, 77-оят).

Яъни, Пайғамбарни безовта қилиб, ўз юртидан қувиб чиқарган нобакорларни ҳалок этиш одати сендан олдин юборилган пайғамбарларга нисбатан ҳам жорий қилиб келинган. Чунки Аллоҳ юборган Пайғамбарни безовта қилиб, ўз юртидан ҳайдаб чиқариш катта нобакорликдир. Бу ишга эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги Пайғамбар бўлишларини ва у кишининг шариатлари қиёмат кунигача туриши лозимлигини ирода қилгани учун ҳам Аллоҳ таоло у зотнинг қавмларини тағ-томири билан ҳалок этишни хоҳламади. Бинобарин, уларни тамоман ҳалок бўлишларига сабаб бўлувчи ишлардан сақлади.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, бошқа нарсаларни қўйиб, Унинг Ўзига янада кучли боғланишга, Унинг Ўзидангина ёрдам сўрашга, Ўз йўлидан оғишмай боришга амр қилди:

ط
الْفَجْرِ وَقُرْآنَ اللَّيْلِ غَسَقِ إِلَى الشَّمْسِ لِدُلُوكِ الصَّلَاةِ أَقِمِ

مَشْهُودًا كَأَنَّ الْفَجْرَ قُرْآنَ إِنَّ ٧٨

**«Қуёш оғишидан то тун қоронғисигача намозни тўқис адо қил.
«Фажр Қуръони»ни ҳам. Албатта, «фажр Қуръони» шоҳид
бўлинадигандир»** (Исро сураси, 78-оят).

Кўпчилик тафсирчи уламоларимиз ушбу ояти каримада беш вақт намозни адо этишга ишора борлигини таъкидлайдилар.

«Қуёш оғиши» – заволга кетиши билан Пешин намозининг вақти киради. Ҳар бир нарсанинг сояси аслидан икки баробар катталашганда, Аср намози бўлади. Қуёш ботиши билан Шом, кеча қоронғиси келганда, Хуфтон намозлари ўқилади. Уламоларимиз

«Фажр Қуръони» деганда Бомдод намози назарда тутилганлигини айтадилар. Чунки Бомдод намозида Қуръон қироати узун бўлади.

«Албатта, «фажр Қуръони» шоҳид бўлинадигандир».

Яъни Бомдод намозининг ўқилишига кеча ва кундуз фаришталари гувоҳ бўладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда, жумладан: «Сизларга кечаси алоҳида фаришталар, кундузи алоҳида фаришталар алмашиб, келиб турадилар. Улар Аср ва Бомдод намозларида жам бўладилар», дейилади. Демак, ушбу икки вақт алоҳида эътиборли ва баракали вақтлардир.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди